*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

● № 98 (9844).

1990 йил 24 май пайшанба

Баҳоси 3 тийин.



● «СОВПЛАСТИТАЛ» Совет — Италия қўшма корхонасида маҳсулот ассортиментини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Айни кунларда мазкур корхонада мингга яқин номдаги кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. Суратларда корхона ишчилари М. Аҳмаджонова ва В. Назарова; полиэтилен халталар ишлаб чиқариш цехи; цех ишчиси М. Холхўжаева маҳсулотларни жўнатиш учун тайёрламоқда.

Ҳ. СОЛИҲОВ суратлари.

*XXIV Тошкент вилоят партия конференцияси минбарига*

## Келажагимизни ўйлаб

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Келажагимиз мактабда» деб номланган мурожаати матбуотда эълон қилинди. Бу бежиз эмас, албатта. Ана шу муҳим ҳужжатда таъкидланганидек, бизнинг эртанги кунимиз мактабларда бугун қандай билим олаётган ўғил-қизларимизга боғлиқ. Масалага шу жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, вилоятимизда аҳвол ночорлиги яққол кўзга ташланади.

Неча-неча йиллардан бери гапирилишига қарамай, ҳамон ноҳияларда, айрим шаҳарларда авария ҳолатидаги мактаблардан ҳалос бўлолмаяпмиз. Очиғини айтганда уларни ҳар йили қабул қилинадиган турли қарорлар ва кўрсатмалар билан бартараф этиб бўлмаяпти. Бу борада негадир, ваъдабозлик кўп. Шу муносабат билан мен область партия конференциясига мактаблар ишини яхшилаш юзасидан ўзимнинг бир қатор таклифларимни айтиб ўтмоқчиман.

— Аввало, ҳар бир шаҳар, ноҳия партия комитетлари мактаб иши учун астойдил жон куйдиришлари керак. Агар улар бу соҳага чинакам ёрдам кўрсатмас эканлар, маориф органларининг ўзлари бунинг уддасидан чиқишлари амри маҳол.

Иккинчидан, майда, ночор мактабларни қисқартириб, қишлоқ, посёлкаларда янги замонавий мактаблар қурилишини амалга ошириш зарур деб ўйлайман. Йирик мактабда моддий базани мустаҳкамлаш осонроқ бўлади. Чунки, ночор мактабларга ҳар йили сарфланадиган маблағ битта йирик мактабда сарфлаш учун марказлашади.

Учинчидан ўқитувчи савиясини ошириш — бу давр талаби. Шунинг учун ҳам жумҳурият телевидениеси орқали педагогика ва психология ўқитиш методикаси ва назарияси бўйича энг тажрибали ўқитувчилар, олимлар мунтазам дарс ўтиб боришлари йўлга қўйилиши лозим.

Мен вилоят партия конференцияси яна бир муҳим масалада халқ таълими бўлимларига, мактабларга ёрдам кўрсатиши керак деб ўйлайман. У ҳам бўлса, вилоятда, шунингдек Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган барча олий ўқув юртлари қошида «сиртқи мактаб»лар ташкил этилиши лозим. Бундай мактабларга энг қобилиятли болалар жалб қилиниши керак. Шунда уларни ўз қизиққан соҳалари бўйича тайёрлаб бориш, келгусида ана шундайларни олий ўқув юртига қабул қилиш учун замин яратилади. Ва энг муҳими худди шундай ўқувчилардан малакали мутахассислар тайёрлаш осонлашади.

**Р. УСМОНОВА,**
**Тошкент вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг директор ўринбосари.**

## КОМБИНАТ— «ЗУМРАД»НИНГ ЁРДАМЧИСИ

Чирчиқдаги қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати коллективи ўтган йилги халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш программасидан ҳозирнинг ўзидаёқ 150 минг сўмлик кўп маҳсулот тайёрлади. Бу нарса икки омил — корхона бозор иқтисодиётига ўтишга тайёрланаётгани ва асосий ишлаб чиқариш чиқиндиларидан кенг фойдаланиш билан изоҳланади.

Агар илгари бу ерда сифатсиз арматура ва ёғоч материалларга халқ истеъмол моллари деб қаралган бўлса, энди комбинатда «Зумрад» кооперативи негизида халқ истеъмол молларини махсус ишлаб чиқариш ташкил қилинди. Уддабурон кишилар якка тартибда қуриладиган уйлар, боғ ҳовлилар, ёрдамчи бинолар учун ғишт блоклари, тўсиқ плиталар, бошқа тақчил материаллар тайёрлашни йўлга қўйдилар.

«Зумрад» комбинат ёрдамида юқори самара билан ишлайдиган ускуналар сотиб олди ва асосий ишлаб чиқариш чиқиндиларидан қурилиш материаллари тайёрлаш илғор технологиясини жорий этди. Мутахассисларнинг фикрича, маҳсулотлар сифати барча зарур талабларга жавоб беради. Маҳсулотнинг нархи арзонлиги кооператорлар ишидаги яна бир муҳим жиҳатдир.

Йил охиригача «Зумрад» кооперативи ходимлари «қурилиш материаллари» магазинлари тармоғига ярим миллион сўмлик маҳсулот етказиб берадилар. Табиийки, бундай ҳамкорлик комбинатнинг ўзига ҳам катта даромад келтирмоқда. Бу маблағлар ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, ишчилар меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга сарфланади. **(ЎзТАГ).**

## БИРИНЧИ БЎЛИШЛИКНИНГ СИРИ

«ПАРТИЯ XX СЪЕЗДИ» жамоа хўжалигида чорвадорлар меҳнати муносиб тақдирлаб борилаяпти.

Ўтган йили соғувчилар Робия Темирова, Мария Турлибековалар 1000—2000 сўмдан мукофот пули олгандилар. Бу рағбат соғувчиларни унумли ишлашга қизиқтириб қўйди. Бу йил хўжалик давлатга 520 тонна сут топширишни режалаштирган. Ҳозирча 175 бош соғин сигирдан мўлжалдаги сут соғиб олинди, иккинчи уч ойлик режаси ҳам бажарилиш арафасида. Соғувчилар Р. Темирова, Арофат Зиёвутдинова, Мария Турлибековалар ҳар бош сигирдан кунига 10 килограмм атрофида серқаймоқ сут соғиб топшириб бу борада касбдошларига намуна бўлишмоқда.

— Соғиш аппаратини олгандан сўнг бир соат туриб қўлда соғилиб чиқса ёғли сут чиқади ва сигир елини тоза соғилгач говмушлар сути кундан кунга кўпайиб боради,— дейди Мария опа Турлибекова.

**И. ҚОСИМОВ,**
**Калинин ноҳияси.**

● *Делегатлар ҳақида ҳикоялар*

## НОШУКУРЧИЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

**«Чиноз» совхоз-техникумининг 11 мингдан зиёд аҳолиси турли миллат вакилларидан иборат. Байналмилалчиликни маъмурият раҳбарлари таркибидан ҳам билиш мумкин: директор С. Сатторов — ўзбек, партия комитети котиби А. Нестеров — рус, бош иқтисодчи С. Нам — корейс, директор ўринбосари А. Ўринбоев—қозоқ... Йирик бўлимлардан бирини қрим-татар Диловер Усеинов бошқаради.**

Вилоят партия комитети аъзоси, вилоят партия конференцияси делегати, механизатор Энвер Зикиряев меҳнат қилаётган 2-бўлим жамоаси ҳам байналмилал. Бу ерда ўзбек, рус, қозоқ, қрим-татар, татар миллатлари ёнма-ён яшайдилар, биргалашиб меҳнат қиладилар, бир-бирларининг тўй-маъракаларида қатнашадилар, ташвишли ва қувончли кунларида ҳам бирга бўладилар.

— Меҳнат кишисига биринчи навбатда тинчлик-хотиржамлик керак, — деди Э. Зикиряев. — Лекин кимлардир буни истамаяптилар. Улар шовқин-сурон кўтариб кўчаларга чиқишга, халққа «раҳнамолик» қилишга ишқибоз. Хўш, оломонни кўчаларга бошлаган, жазаваси қўзиган ўша «раҳнамо»ларнинг мақсади нима? Муаммоларимизни ҳал қилишмоқчими ёки бизга жаннат дарвозасини очиб қўйишмоқчими? Ахир, уларга гап ҳам, иш ҳам қолгани йўқ-ку! Президентимиз, жумҳурият партия ва ҳукуматининг ўзи Ўзбекистон халқи тақдири, келажаги учун жон куйдиряпти, халққа маъқул қарорлар қабул қиляпти. Буни кўрмаслик, ҳис этмаслик мумкин эмас.

Энвер ака 1935 йили Қримда туғилган, 1948 йилдан «Чиноз» совхоз-техникумида ишлайди. Саксонга яқинлашган онаси Есма хола ўғлини ҳар куни яхши ниятлар билан ишга кузатади, дастурхон устида «тинчлик-хотиржамлик бўлсин, бало-қазолардан худонинг ўзи асрасин», дея дуо қилади. Аёли Гулнор опа 2-фермадаги болалар боғчасида ишлайди. Катта ўғли Узеир Гулистондаги билим юртида ўқитувчи, қолганлари ҳам бола-чақали бўлиб кетишган. Яхшигина ҳовли-жойи бор. Узум, мева, сабзавотлар ўзидан чиқади, гўшт, сут-қатиққа зориқмайди. Ишдан толиқиб келган кунлари қўни-қўшнилари билан ҳангомалашса яна ўзини бардам сезади, хотиржам ухлайди.

Миллатларни бир-бирларига қайраб, ғўр ёшларни жанжалга бошлайдиган кишиларга тинчлик-хотиржамлик ёқмайди. Одамлар кун ботмасдан дарвозаларини занжирлаб олишса, бошларига таёқ ёки кетмон қўйиб ётишса, тўполон, ур-йиқитлардан асаблари қақшаса—шу ҳам турмушми?! Бу аҳволда дастурхонларимизга ҳеч қачон барака кирмайди, ўз келажагимиз йўлини ўзимиз тўсамиз.

Энвер аканинг фалсафаси шундай. У ҳамма ур-йиқит, тўполонлар ёшларимизни ота-боболаримиздек тарбиялай олмаётганимиздан, уларни ҳаддан ташқари бўш қўяётганимиздан келиб чиқади, дейди, бошқа миллатларга ҳурмат-эътибор оиладан бошланиши, болалар боғчалари, мактабларда мустаҳкамланиши лозим, деб ҳисоблайди.

— Ўзаро ишонч, биродарлик раҳбарларга ҳам боғлиқ. Совхоз-техникумимиз бошлиқлари шу йўлдан боришмоқда. Бизда миллат ажратиш, айримачилик умуман йўқ, бўлмайди ҳам. Чунки, раҳбарларимизни кишининг миллати эмас, меҳнаткашлиги, жамиятга қандай фойда келтириши қизиқтиради, шунга қараб баҳо беришади.

Энвер ака ҳақ гапни айтди. Масалан, ўзи ишлаётган 2-фермада вилоят бўйича танилган сут соғувчилар, чорвадорлар етишиб чиқишди. Уларнинг ҳаммаси турли миллат фарзандлари. Бир пайтлар Раҳимжон Содиқов йигитлар орасида биринчи бўлиб сут соғувчилик ташаббусини бошлаган эди. Бугунги кунда соғувчи йигитлар кўпайишиб қолишди, Фануза Беккулова, Насиба Юлдибоева сингари илғор соғувчилар билан мусобақада ортда қолишмаяпти.

**— Энвер ака, жумҳуриятимиз Президенти шахсий чорвачиликни янада ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилди. Сизларда бу борада қандай ишлар олиб борилмоқда!**

— Агар мен одамларнинг шахсий моллари совхоз-техникумникидан кўп, десам янглишмайман. Чунки, ем-хашак сероб. Ишчиларга ҳар йили шахсий чорвачиликлари учун ўт, ем берилади. Энди шу ерда яшаб, бошқа ерда ишлайдиган кишиларга ҳам ёрдамлашиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Биз жумҳурият Президенти, жумҳурият партия ва ҳукуматининг инсонпарварлик сиёсатидан миннатдормиз. Менимча тўғри йўл танлаб олинди. Чунки, энг аввало чорва ҳам, сабзавот ҳам халқнинг ўзида бўлиши керак, шундагина бозорларда нарх-наво «чақиб» олмайди, арзонлашади.

Биз борган куни Энвер ака шогирди билан беда ўраётган экан. У ГДРда ишлаб чиқарилган комбайн енгил ишлайди, бедани ўриш, майдалаш ишларини сифатли бажаради, деди.

— Совет маркаси шуҳрати учун жон куйдиришнинг вақти келди,— дея таъкидлади у. — Ахир, қачонгача чет элларникига кўзимиз куйиб юради. Ўзимизда ишлаб чиқарилган комбайн оғир, қўпол, тез-тез синади. Бизга немисларникидек енгил ва соз ишлайдиган комбайнлар, бошқа техника воситалари керак. Бу масалани вилоят, жумҳуриятдаги тегишли ташкилотлар олдига кўндаланг қўйиш зарур деб ўйлайман.

**— Конференцияда сўзга чиққудек бўлсангиз, нималарни гапирган бўлардингиз!**

— Мен 1970 йилдан КПСС аъзосиман. Ундан чиқиш, партия билетини топшириш хаёлимга ҳам келмайди. Чунки, партияга, унинг барча муаммоларимизни ҳал этишига астойдил ишонаман. Лекин, кейинги пайтда партиямиз шаънига, ҳатто доҳиймиз Ленинга тош отувчилар пайдо бўлиб қолди, марказий газеталар демократия, ошкоралик деб кишиларни чалғитадиган мақолаларга ўрин беришяпти. Ахир, мумкин экан, дея чегарадан чиқиш, қайта қуришни қайта бузишга айлантириш инсофдан эмас-ку. Сўзга чиққудек бўлсам, одамларни партиямиз обрўсини сақлаб қолишга чақирардим, турли норасмий ташкилотларнинг чегарадан чиқишларига йўл қўймасликка даъват этардим.

Ҳа, Энвер Зикиряев чинакам меҳнат кишиси, чинакам коммунист. Бир қатор орден ва медаллар соҳиби. Унга ўхшаганлар партия обрўсининг тўкилишини сира истамайдилар.

—Партиямиз биз қрим-татарлар учун кенг имкониятлар, эркинликлар яратиб қўйди. Ҳозир истаган киши Қримдан жой олиши, яшаши мумкин. Бошқа миллатларнинг ҳам қадриятлари тикланиб, уларга эътибор берилмоқда. Тўғрисини айтганда, ношукурчиликка ўрин йўқ.

Энвер ака комбайнни юргизди. Унинг бутун фикри-хаёли яна ишга қаратилди...

**Э. ҚОСИМОВ.**

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Вилоят партия комитети бюросининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда вилоят партия ташкилотидаги ҳисобот ва сайловлар якунлари кўриб чиқилди.

Вилоят партия ташкилотида ҳисобот-сайлов мавсуми асосан КПСС Марказий Комитетининг февраль ва март (1990 йил) Пленумлари талабларини ҳисобга олган ҳолда, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва КПСС Устави лойиҳалари, «Принципиал асосда жипслашиш учун» КПСС Марказий Комитетининг Очиқ хати таъсири остида ўтганлиги таъкидланди. Вилоятдаги ҳисобот-сайлов мавсумининг боришига, шунингдек, мураккаб ижтимоий-иқтисодий аҳвол, аҳоли турли гуруҳлари ўртасидаги муносабатларнинг кескинлиги, ўткир экологик вазият ҳам таъсир қилди.

Умуман демократиялаштириш ва ошкораликнинг янада кучайганлиги, юксак фаоллик, камчиликларни танқид ва ўз ўзини танқид қилиш, қайта қуриш суръатларидан, вилоятдаги ижтимоий-сиёсий аҳволни барқарорлаштириш бўйича кўрилаётган амалий тадбирлардан, жиноятчиликка қарши курашдан қаноатланмаслик бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари, шаҳар ва ноҳия конференцияларига хос бўлди.

Цех ва бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида, шаҳар ва ноҳия партия конференцияларида 53 мингдан зиёд киши сўзга чиқди, улардан 7 мингдан ортиғи партиясизлардир.

Партия ишининг турли йўналишлари бўйича 53 минг 115 танқидий мулоҳаза ва таклиф айтилди, улардан 5 мингга яқини Ҳаракат дастури ва КПСС Устави лойиҳаларига таалluқли бўлди.

Ҳисобот докладлари ва съездолди ҳужжатларини муҳокама қилиш давомида ҳамма даражадаги вилоят партия комитетлари фаолиятида туб ўзгаришлар қилиш зарурлигини тушуниб етилганлиги намоён бўлди. Партия ташкилотлари обрўсининг пасаяётганлиги ташвиш билан таъкидланди, партия интизомини мустаҳкамлаш ниҳоятда зарурлигига эътибор қаратилди.

Йиғилиш ва конференцияларнинг қатнашчилари сайлаб қўйиладиган органлар ва секретарлар фаолиятига баҳо беришга талабчанлик билан ёндашишга интилдилар, уларни кўпинча фаолиятсизликлари, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг турли масалаларини ҳал этишда сусткашликлари, коммунистлар билан алоқалар бўшашиб кетганлиги, партия ишини қайта қуриш секинлик билан бораётганлиги учун қаттиқ танқид қилдилар. Ана шундай камчилик ва нуқсонлар учун Олмалиқ қурилиш материаллари комбинатида бошланғич партия ташкилотининг бюроси ва унинг котиби Т. Б. Сафронов танқид қилинди. Маърузани муҳокама қилиш якунларига кўра комбинат коммунистлари ҳисобот давридаги партия бюросининг фаолиятини «қониқарсиз» деб топдилар.

Оҳангарон ноҳия партия конференциясида эндиликда ишдан кетган ноҳия партия комитетининг биринчи котиби С. Р. Тўлаевнинг иш услуб ва методлари қаттиқ танқид қилинди. Натижада унинг номзоди ноҳия партия комитетининг биринчи котиблиги лавозимига таклиф қилинмади, овоз бериш якунларига кўра эса у ҳатто ноҳия партия комитети таркибига ҳам кирмай қолди.

Умуман, вилоят бўйича 77 та цех ва бошланғич партия ташкилотлари партия бюросининг иши «қониқарсиз» деб топилди.

Ошкоралик ва эркин фикр айрибошлаш вазияти йиғилиш ва конференция қатнашчиларининг сайлаб қўйиладиган органлар таркибига номзодлар кўрсатиши ва делегатлар танлашга бирмунча холис ёндашувига имкон берди. Бошланғич партия ташкилотлари котибларининг 59 фоизи ва цех партия ташкилотларининг 63 фоизи муқобил асосда сайландилар. Барча шаҳар ва ноҳия партия конференцияларида котиблар бевосита конференцияларда сайландилар, шаҳар ва ноҳия партия комитетларининг 11 котиби эса муқобил асосда сайланди.

Тошкент, Ангрен, Олмалиқ, Бекобод, Чирчиқ шаҳарларидаги кўпгина бошланғич партия ташкилотларида XXIV Тошкент вилоят партия конференциясига, Ўзбекистон Компартияси XXII съездига делегатлар тўғридан-тўғри сайландилар. В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошланғич партия ташкилоти КПСС XXVIII съездига ўз делегатини тўғридан-тўғри сайлади.

Ҳисобот-сайлов мавсуми давомида цех партия ташкилотларидан тортиб то партия марказий органларигача сайлаб қўйиладиган партия органлари таркибига сайлаш учун 15 мингдан ортиқ номзод кўрсатилди.

Цех ва бошланғич партия ташкилотларида бўлган деярли барча ҳисобот-сайлов йиғилишларида сайлаб қўйиладиган органларнинг аъзолари, юқори партия ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар.

Шу билан бирга бу йилги ҳисобот-сайлов кампаниясининг ўзига хослигига, жуда қисқа муддатларда ўтаётганлигига қарамай, айрим йиғилишлар шошма-шошарлик билан тайёрланди, бу ҳол эса уларда қабул қилинган ҳужжатлар сифатига, коммунистлар фаоллиги ҳамда тўла қатнашишига салбий таъсир этди. Бўка ноҳиясидаги К. Маркс номли колхозда бўлган партия йиғилишида съездолди ҳужжатлари бўйича бирон-бир жиддий таклиф айтилмади. Ғалаба ноҳиясидаги тажриба-механика заводи партия ташкилотида амалий мулоқотга эришилмади. Бекобод, Калинин, Чиноз ноҳияларида йиғилишларга коммунистларнинг қатнашиши яхши бўлмади. Янгийўл шаҳри, Коммунистик, Ғалаба, Пискент ноҳияларидаги партия йиғилишларида сўзга чиққан учбеш киши ҳисобига битта фойдали мулоҳаза ёки таклиф тўғри келди.

Шаҳар ва ноҳия партия ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органларини тузишда конференцияларда лавозимга қараб ёндашиш, маҳаллийчилик, гуруҳлар манфаатлари сезилиб турди.

Натижада Бекобод, Киров, Куйбишев, Собир Раҳимов ноҳиялари, Олмалиқ, Янгийўл шаҳарлари партия комитетлари таркибига кирган оддий меҳнаткашлар атиги 15—20 фоизни ташкил этди.

Ангрен, Янгийўл шаҳарлари, Куйбишев, Янгийўл ноҳиялари партия конференцияларида ташкилий камчиликлар, тайёргарликнинг бўшлиги туфайли саноқ комиссияларининг иши чўзилиб кетди.

Ҳисобот-сайлов мавсумининг бориши вилоят газеталарида ва маҳаллий матбуотда, радио ва телевидениеда бўш ёритилди. Бўлиб ўтган йиғилишлар тўғрисида репортажлар кам бўлди, партия конференцияларининг делегатлари билан етарли таништирилмади.

Ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорда вилоят партия комитетининг бўлимларига, шаҳар ва ноҳия партия комитетларига вилоят партия конференциясига тайёргарликни таъминлаш ва уни ўтказиш юзасидан, коммунистларнинг танқидий мулоҳаза ва таклифларини, қабул қилинган қарор ва резолюцияларни бажариш юзасидан зарур амалий чоралар кўриш топширилди.

Вилоят партия комитети бюроси мажлисида вилоят хўжалик ва ижтимоий-сиёсий ҳаётининг бошқа баъзи масалалари ҳам муҳокама қилинди.

ПОЙТАХТ ТЕАТРЛАРИДА

## «Адашганлар» саҳнада

Бутун бошли катта театр тамошасига бор-йўғи 30—40 нафар томошабин кирганини, уларга 40—50 чоғли актёрлар коллективи ижросида спектакль кўрсатилганини, томоша пайтида айримлар зални ташлаб чиқиб кетганларини, баъзилар ҳуррак отиб ухлаб ўтирганларини кўп кўрганман. Гоҳида спектакль беш—олти томошабиннинг истар-истамас лоқайд қарсак чалиши билан тугаган пайтлар ҳам бўлади.

Шу йил 20 май дам олиш куни Тошкентдаги «Ҳурмат Белгиси» орденли Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Й. Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театри саҳнасида катталар учун ўйналган драматург Тўлқин Муҳиддиннинг «Адашганлар» пьесаси томошаси пайтида ундай бўлмади. Залга тўпланган 400 га яқин кишининг ҳар бири тамоман бедор, қаҳрамонлар тақдиридан гоҳ безовта, гоҳ ачинишу, гоҳ нафрат туйғуларини туйиб ўтирди:

Ҳозирги пайтдаги гиёҳвандлик, фоҳишабозлик каби социал қусурларнинг хунук оқибатлари ҳақида ўткир ва аччиқ тарзда ҳикоя қилинган ҳажвий драманинг премьераси унинг қатнашчилари томонидан олқишлар билан кутиб олинди.

«Адашганлар» спектакли бундан икки йил муқаддам А. Қаҳҳор номли республика сатира театри саҳнасида қўйилган эди. Ноаниқ сабабларга кўра саҳнадан тушиб қолганди.

Драматург ва режиссёр—Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, республика Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Лутфулла Саъдуллаевнинг асар устида ёш томошабинлар театрида сабот ва матонат билан ишлаш натижасида асар қайтадан туғилди. Унинг таъсир кучи ошиб, тарбиявий аҳамияти кучайтирилди. Адиб Тўлқин Муҳиддин драма марказида гиёҳвандликка берилган бир гуруҳ ёшларнинг бу йўлга кириб қолиш сабабларини, бунинг оқибатида уларнинг инсоний қиёфаларини йўқотишлари, улардан хабардор бўлиб қолган яқинларининг алам ва изтиробларини, ташвишларини ишонарли тасвирлаган.

Премьерага келган пискентлик қишлоқ меҳнаткашларининг вакиллари, партия, совет, халқ таълими ходимлари томошадан катта қониқиш ҳосил қилдилар. Буни улар премьера сўнгида саҳнага чиқиб изҳор этдилар. Асар энг долзарб мавзуда ёзилганини маъқуллаб муаллифни қутладилар. Спектаклдан кейин таассуротлар ўртоқлашилганда Ўзбекистон ССР Маданият министрининг ўринбосари Р. Н. Нишонова, Ўзбекистон Кинематографчилар уюшмаси раиси, СССР халқ артисти М. Қаюмов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси С. Мамажонов, М. Турғунбоева номидаги Ўзбекистонда хизмат кўрсатган «Баҳор» халқ рақс ансамблининг раққосаси, республика Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Н. Зулунова ўз фикрларида асарда турғунлик ва порахўрлик авж олган даврда инқирозга юз тутган маънавий ҳаётимизда амалга оширилаётган қайта қуриш жараёни ўз аксини топганини, илгари ёзиш ман этилиб келган мавзуга адиб жасорат билан қўл ургани ва уни саҳнага олиб чиқиш учун бетиним курашганини қайд этдилар. Ҳозир театрда Тўлқин Муҳиддин «Адашганлар»ининг мазмунан тадрижий давоми бўлган «Беҳаёлар» ҳамда «Бедаволар» устида ижодий иш олиб борилаяпти.

«Адашганлар» премьерасида Тошкент область партия комитетининг биринчи котиби С. Мамарасулов, Тошкент область Совети ижроия комитетининг раиси С. Сайдалиев, область партия комитетининг иккинчи котиби В. Г. Гришчук, обком котиби Ш. Маҳмудова қатнашдилар.

**Т. АЛИМОВ**
**ЎзТАГ мухбири.**

